тадқиқотлар институти

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2006-yil • 28-fevral • Seshanba • 25 (27.517) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ БЕШИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

25 февралда Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси ўз ишини якунлади.

Мажлиснинг иккинчи куни давомида юқори палата аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2005 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот тасдиқланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлисидаги «Мамлакатимиз тараққиётининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш – фаолиятимиз мезони бўлиши даркор» нутқидан келиб чиқадиган хулосалар асосида Сенат Кенгаши, қўмиталари ва комиссиялари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича вазифалар белгиланган қарор қабул қилдилар.

Кун тартибига мувофиқ кредит уюшмалари фаолиятини бошқариш тизимини такомиллаштириш, кредит уюшмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва лицензиялар бериш жараёнини соддалаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни муҳокама қилинди. Батафсил кўриб чиқилгач, ушбу қонун маъқулланди.

Сенаторлар, шунингдек, «Тадбиркорлик субъектларини текширишлар сони қисқартирилганлиги ҳамда текширишлар тизими такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритилиши кўзда тутилган. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича мавжуд тизимнинг такомиллаштирилишини таъминлайди.

Юқори палата аъзолари «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун рухсат бериш тартиб-таомиллари турлари қисқартирилганлиги ҳамда соддалаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини маъқулладилар. Ушбу қонунда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган рухсат бериш тартиб-таомиллари сонини қисқартириш ва соддалаштириш кўзда тутилган бўлиб, бу ҳол тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади. Бунда, хусусан, шу нарса белгиланмоқдаки, қонунчиликда кўзда тутилган фаолият турларига лицензиялар камида 5 йил муддатга берилади.

«Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига ўзгартишлар киритиш, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш масалаларига оид айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳам парламентнинг юқори палатаси томонидан маъқулланди. Ушбу ҳужжатда давлат корхоналари ва мулкининг айрим турларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича чекловлар белгиланган.

Сенаторлар «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқиб, унда ички ишлар ва бошқа қонун ҳужжатлари билан уйғунлик етишмаслиги туфайли уни қайтардилар.

Юқори палата аъзолари «Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги Шартномани ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқиб, маъқулладилар. Сенаторлар таъкидлаганидек, ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги муносабатларни сифат жиҳатидан янги, иттифоқчилик даражасида чуқурлаштиришнинг асосий тамойиллари ва устувор йўналишларини белгилаб берадиган дастуриламал ҳужжатлардан бири ҳисобланади. Узоқ истиқболга мўлжалланган мазкур шартнома Ўзбекистон — Россия муносабатларини ҳар икки давлатнинг туб манфаатларига тўла мос келадиган янги мазмун билан бойитишга кўмаклашади, шунингдек, миллий, минтақавий, халқаро хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш ҳамда мустаҳкамлаш ишига хизмат қилади.

Шунингдек, «Ўзбекистон Республикасининг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятини таъсис этиш тўғрисида 2000 йил 10 октябрдаги Шартномага қўшилиши тўғрисида Баённомани ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва «Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятини таъсис этиш тўғрисида 2000 йил 10 октябрдаги Шартномага ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Баённомани ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни маъқулланди. Ушбу масала бўйича сўзга чиққан сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятини таъсис этиш тўғрисидаги шартномага қўшилиши мамлакатимизнинг миллий манфаатларига мос эканлиги, шунингдек, Ўзбекистоннинг ривожланиб бораётган жаҳон хўжалик алоқалари тизимига янада интеграциялашувига, умумий бозорни яратиш масалаларини ҳал этишга, минтақада кооперация алоқаларини йўлга қўйишга хизмат қилишига алоҳида эътибор қаратдилар.

«Ўзбекистон Республикасининг 1968 йил 8 октябрда Локарнода имзоланган Саноат намуналарининг халқаро таснифини таъсис этиш тўғрисидаги Локарно битимига қўшилиши ҳақида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 1 июнда Женевада Дипломатик конференция томонидан қабул қилинган Патент ҳуқуқи тўғрисидаги Шартномага қўшилиши ҳақида»ги ҳамда «ГУОМ иштирокчи давлатларининг консуллик масалалари бўйича ўзаро ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги Конвенцияни денонсация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари кўриб чиқилди ва маъқулланди.

Сенатнинг ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (Омбудсманнинг) 2005 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот тингланди.

Парламентнинг юқори палатаси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Президентининг тавсияларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг Украина, Покистон Ислом Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиларини тайинладилар, Ўзбекистон Республикасининг Исроил Давлатидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчисини лавозимидан озод қилдилар.

Мажлисда Сенат ваколатига кирувчи бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлисида мамлакатда амалга оширилаётган демократик, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни чуқурлаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган жами 23 та масала, шу жумладан, 15 та қонун кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг
ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикасининг Украинадаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси вазифасига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Илхом Уткурович **Хайдаров** Ўзбекистон Республикасининг Украинадаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлансин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.СОБИРОВ

Тошкент шаҳри,2006 йил 25 февраль.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг
ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикасининг Покистон Ислом Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси вазифасига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ойбек Орифбекович **Усмонов** Ўзбекистон Республикасининг Покистон Ислом Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлансин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.СОБИРОВ

Тошкент шаҳри, 2006 йил 25 февраль.

«Обуна — 2006»

ПАРТИЯ НАШРИ — ПАРТИЯНИНГ ОВОЗИ

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳайъати «Ўзбекистон ХДП ташкилотларида партия марказий матбуот нашрларига 2006 йил учун обунани ўтказишнинг якунлари тўғрисида» қарор қабул қилди. ЎзХДП марказий нашрлари — «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталари, «Мулоқот» журналига 2006 йил учун обунани республика миқёсида ўтказиш мақсадида муайян ишлар амалга оширилди, дейилади мазкур қарорда. Жумладан, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитасининг 2005 йил 5 октябрдаги «Ўзбекистон ХДП ташкилотларида партия марказий матбуот нашрларига 2006 йил учун обунани ўтказиш тартиби тўғрисида»ги қарорининг мазмуни, 2006 йил учун обунани ташкил этиш бўйича тавсиялар барча партия тузилмаларига етказилди. Шунингдек, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳайъатининг 2005 йил 18 ноябрда «Ўзбекистон ХДП ташкилотларида партия марказий матбуот нашрларига 2006 йил учун обунанинг бориши ва уни яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилингач, барча даражадаги партия кенгашларига етказилди ва ижроси назоратга олинди.

Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия кенгашлари МК қарорларини бажариш юзасидан аниқ вазифаларини белгиладилар. Жойларда обунани уюштириш билан боғлиқ оммавий-сиёсий ва ташкилотчилик ишлари йўлга қўйилди. Ўзбекистон ХДПга хайрихоҳ бўлган ҳомийлар ҳамда иқтисодий бақувват корхона ва ташкилотлар раҳбарлари бўлган ХДП фаолларининг кўмагидан фойдаланилди. Натижада жорий йил учун «Ўзбекистон овози» газетасига 12949 та, «Голос Узбекистана» газетасига 3046 та, «Мулоқот» журналига 1237 та обуна қилинди.

Аммо, баъзи вилоят ҳамда кўпчилик туман ва шаҳар партия ташкилотлари обуна мавсумида қониқарли натижага эриша олмадилар. Андижон, Фарғона, Жиззах вилоят партия кенгашлари, Марказий Кенгаш Ижроқўми ҳайъатининг огоҳлантиришига қарамасдан, обунани ташкил қилиш ишида сусткашликка йўл қўйдилар ва натижада мазкур вилоятларда белгиланган энг кам назорат рақамлари 50 фоизга ҳам бажарилмади. Хонобод, Қорасув шаҳар, Улуғнор, Олтинсой, Мўйноқ туман кенгашлари партия марказий нашрлари учун обунани ташкил қилиш ишларини умуман ўз ҳолига ташлаб қўйдиларки, бунинг натижасида ушбу ҳудудларда нашрларимиз учун обуна сони 5-10 тадан ошмади. Бунинг устига, кўп жойларда обуна қисқа муддатлар (3, 6 ой)га расмийлаштирилди. Натижада, иккинчи ярим йилликка бориб партия марказий нашрлари обуначилари сони кескин камайиб кетиши мумкин.

Бундай аҳволнинг асосий сабаби кўп жойларда обунани ташкил этишда ташкилотчилик ва тадбиркорлик етишмади.

Партия ташкилотларининг Ўзбекистон ХДП МК Ижроия қўмитаси ва Ижроқўм ҳайъатининг тегишли қарорларини бажариш юзасидан олиб борган муайян ишларига қарамасдан «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталари ва «Мулоқот» журналига жорий йил учун обуна ташкил этиш бўйича белгиланган назорат рақамларининг тўлиқ бажарилмаганлиги қайд этилсин, деб таъкидланади қарорда.

Шунингдек, Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларига мазкур қарор асосида обуна якунларини кўриб чиқиш, партия нашрларига энг кам обуна қилиб, бу муҳим тадбирда сусткашликка йўл қўйган шаҳар ва туман партия кенгашлари раҳбарлари фаолиятига тегишли баҳо бериш топширилди ҳамда бу ҳақдаги ахборотни Марказий Кенгашга бир ой давомида тақдим этишлари кўрсатиб ўтилди.

Қорақалпоғистон республика кенгаши «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарига, Қашқадарё, Тошкент, Наманган, Сирдарё вилоят кенгашлари «Ўзбекистон овози»га, Навоий вилоят, Тошкент шаҳар кенгашлари «Голос Узбекистана»га обуна бўйича энг кам назорат рақамларини бажарганликлари, шунингдек, Бухоро, Гулистон, Урганч, Нукус шаҳар, Когон, Муборак, Чилонзор, Кўрғонтепа, Кўнғирот туман кенгашлари «Ўзбекистон овози» газетасига, Нукус, Гулистон, Урганч шаҳар, Кўрғонтепа, Миробод туман кенгашларининг «Голос Узбекистана» газетасига обунани ташкил қилишга юқори масъулият билан ёндашганлиги, бу муҳим сиёсий тадбирни муваффақиятли якунланганлиги Ижроқўм ҳайъати қарорида эътироф этилди.

Жиззах, Фарғона, Андижон вилоят партия кенгашлари томонидан 2006 йил учун обунани ташкил қилиш ва ўтказишда сусткашликка йўл қўйилганлиги ва натижада мазкур ҳудудлар бўйича назорат рақамлари бажарилмаганлиги, Хонобод, Қорасув шаҳар, Улуғнор, Олтинсой, Мўйноқ туман кенгашлари нашрларга обуна сонини 10 донадан ҳам ошира олмаганлиги, Қорақалпоғистон республикаси Қонликўл туман, Андижон вилояти Хонобод, Асака, Бўз, Булоқбоши, Избоскан, Марҳамат, Олтинкўл, Шаҳрихон туман, Навоий вилояти Учқудуқ туман кенгашлари аппарати партия нашрларининг биронтасига обуна бўлмаганликлари қайд қилиниб, кенгаш раисларининг бу соҳадаги фаолияти қониқарсиз эканлиги кўрсатиб ўтилди. Шу билан бирга, ушбу партия кенгашлари раислари зиммасига 2006 йил март ойининг охиригача партия нашрларига ўз ташкилотларини обуна қилишни, партия нашрлари етиб бормаган биронта ҳам ташкилот қолмаслигини таъминлаш вазифаси юклатилди. Бинобарин, партиянинг марказий матбуот нашри етиб бормаган ҳар қандай туман партия ташкилоти ўзининг мавжудлиги ва ишга қобилиятлилигини шубҳа остида қолдиради.

Партиянинг барча минтақавий ва маҳаллий кенгашлари ҳамда бошланғич ташкилотлари «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталари, «Мулоқот» журнали, ХДП вилоят кенгашлари даврий нашрларига кўпгина муштарийларнинг йилнинг биринчи чораги ёки ярмига обуна бўлганликлари боис, уларнинг ўрнини тўлдириш учун амалий чоралар кўриш зарурлигини ҳисобга олиб, ушбу нашрларга жорий йилга обунани уюштириш ишларини узлуксиз давом эттириш мақсадга мувофиқ деб топилди. Унинг бориши, биринчи ярим йиллик якунлари бўйича, 2006 йил июль ойида МК Ижроия қўмитаси ҳайъати йиғилишида кўриб чиқилиши белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Диққат!

«СИРТҚИ ҚАБУЛ СОАТЛАРИ»

Сизнинг саволларингизга Бош вазир ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Светлана Турсунходжаевна ИНОМОВА жавоб беради

Ҳар бир замонда, ҳар бир давлатда мамлакат куч-қудрати, тараққиёти ва келажаги ўша юртда хотин-қизларга яратилган шароитга, уларга кўрсатилган ғамхўрликка кўп жиҳатдан боғлиқ бўлган. Чунки, бола тарбияси, оила ва жамиятни идора қилишда, миллат саломатлиги ва салоҳиятини мустаҳкамлашда оналар ва аёлларнинг ўрни беқиёсдир.

Буни ўз халқимиз, тарихимиз мисолида яққол кўришимиз мумкин. Айни чоғда оналарни қадрлаш, аёлга эҳтиром кўрсатишда ҳам халқимизнинг ажойиб анъаналари бор. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, оналарни асраш, улар соғлиғини муҳофаза этиш, хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий, сиёсий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятдаги нуфузи ва мавқеини ошириш ишларига катта эътибор қаратила бошланди.

Президентимизнинг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2004 йил 25 майдаги Фармонидан сўнг бу борада муҳим қадамлар қўйилди. Хотин-қизлар жамоат ташкилотларининг фаолияти кенгайтирилди, маҳаллаларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимлари жорий этилди. Бу эса хотин-қизларнинг жамиятдаги иштирокини янада фаоллаштиришга қаратилаётганидан далолатдир.

Бугун ўзбек хотин-қизлари барча жабҳада — илму ижодда, спортда, тадбиркорлиг раҳбарлик ишларида ҳам ўз салоҳиятларини, фидойилик намуналарини кўрсатишмоқда. Айни чоғда хотин-қизларимиз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этиш борасида белгилаб берилган имконият ҳамда имтиёзларни амалга ошириш масаласида жойларда камчиликлар йўқ эмас.

Ҳурматли опа-сингиллар, азиз онахонлар! Хотин-қизларнинг жамият ва давлат қурилишидаги ролини кучайтириш бўйича қандай таклифларингиз бор? Ўзингиз яшаётган шаҳар, туман ёки қишлоқда сизни нималар кўпроқ ташвишлантиряпти? Оналик ва болалик, ижтимоий ҳимоя, нафақа ёки пенсия таъминоти бўйича қандай муаммолар бор? Агар мазкур масалалар юзасидан ўзингизни қизиқтирган саволларга жавоб олишни истасангиз, «Ўзбекистон овози» газетасининг **«СИРТҚИ ҚАБУЛ СОАТЛАРИ»***га мурожаат қилинг.*

Сизнинг саволларингиз ва унга берилган жавоблар газетамизда ёритилади.

Савол ва таклифларингизни хат, шошилинчнома, факс ёки телефон орқали йўллашингиз мумкин.

Мурожаатлар 10 мартга қадар қабул қилинади.

ЯПОНИЯДА МАРҒИЛОН ШАҲРИ ТАҚДИМОТИ

Японияннинг Маебаши шаҳрида Марказий Осиё халқлари тарихи кўргазмаси доирасида Марғилон шаҳри маданий мероси тақдимоти бўлиб ўтди. Ушбу тадбир Ўзбекистоннинг Японияда элчихонаси ва Гунма префектурасидаги Евроосиё марказий клуби томонидан ташкил этилди.

Маълумки, келгуси йилда дунё фани ва маданияти ривожига катта ҳисса қўшган Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги кенг миқёсда нишонланади. Айниқса, буюк олимлар Аҳмад ал-Фарғоний ва Бурҳониддин ал-Марғинонийлар номи шаҳарга катта шуҳрат келтирган.

Тақдимот маросимида Марғилоннинг машҳур атлас ва адраси, турли сопол-идишлари ва бошқа халқ амалий ҳунармандчилик санъати асарлари намуналари кенг намойиш этилди. Фарғоналик уста Алишер Назировнинг кулолчилик маҳорати меҳмонлар таҳсинига сазовор бўлди. Японияннинг «NHK» телекомпанияси томонидан суратга олинган «Атласларда орзулар жилоси» фильми йиғилганларга мафтункор атласнинг яратилиш тарихи, тайёрланиш технологияси тўғрисида ҳикоя қилди.

Тадбирда сўзга чиққан «Yamato C&A systems» компанияси президенти Д.Кавахара халқларимизни кўп муштарак жиҳатлар боғлаб тургани, Марғилон ва Маебаши нафақат катта тарихий меросга, балки кўплаб таниқли халқ ҳунармандчилик марказларига ҳам эгалигини таъкидлади. Бу эса икки шаҳар аҳолиси ўртасида мувафаққиятли ҳамкорлик ўрнатишга умид бағишлайди, дея қайд этди компания президенти.

Акмал ҚЎЧҚОРОВ,
«Жаҳон» АА мухбири
Токио

МИЛЛИЙ ЁШЛАР ПОРТАЛИ

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасининг жамоат таълим ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишда интернет ва ахборот ресурсларини ривожлантириш борасидаги муҳим вазифалар белгилаб берилган эди. Мазкур қарорга мувофиқ «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан Ўзбекистонда биринчи бор ўзбек тилидаги Миллий ёшлар портали яратилди. Портал 22 та суб-сайтдан ташкил топган бўлиб, унда ҳар хил йўналишлар бўйича 100 мингдан зиёд маълумот жамланган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, келгусида Миллий ёшлар порталининг рус ва инглиз тилларидаги вариантларини ишга тушириш режалаштирилмоқда. Бу эса чет элдаги интернетдан фойдаланувчиларга Мустақил Ўзбекистон ва унинг ёшлари тўғрисида маълумот олиш имкониятини яратади.

Маъмуржон МАҲМУД

Манзилимиз: Тошкент 700000, Матбуотчилар кўчаси 32-уй,
«Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти.
Телефонлар: 133-69-45, 136-53-70, 136-54-16. Факс: 133-12-56, 133-65-45.

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

O'ZSANOATQURILISHBANK
KO'PLARNI TANISHADI – MUNOSIBLARNI TANLASHADI!
Tel: 120-45-01, 120-45-82, факс: 133-32-40
www.uzpsb.com e-mail: info@uzpsb.com
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТА БАНК» – ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР
Хизматлар лицензияланган

ЎзХДП ҳаёти

ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ ҚУДРАТИ

Таълим-тарбия масаласи миллат ва халқ тақдирини белгиловчи қудратли восита эканлигини бугун амалга оширилаётган чуқур ислоҳотлар туфайли янада яхшироқ англамоқдамиз. Таълим мазмун-моҳиятининг ортиши, янгича қиёфадаги мактаблар, ўқитувчи меҳнати муносиб рағбатлантирилаётгани ана шундан далолат.

Айниқса, бу улуғвор ишлар ижобати барчанинг хоҳиш-истагига айлангани ўқитувчилар манфаатини ҳимоялашни мақсад қилган партиямиз олдига ушбу олижаноб касб эгалари билан яқин ҳамкорликда бўлиш ҳамда мавжуд муаммоларни ҳал этишда томонлар ҳаракатларини бирлаштириш вазифасини қўймоқда. Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши, вилоят халқ таълими бошқармаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи ҳамкорлигида ташкил этилган **«Халқ таълимида олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарадорлиги ва халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштиришга оид бажарилган ишлар кўлами ва келгуси вазифалар»** мавзуидаги «давра суҳбати» ана шу масалага бағишланди.

Унда Тошкент вилоятидаги барча шаҳар ва туман халқ таълими бўлими мутасаддилари, Ўзбекистон ХДП шаҳар ва туман кенгашлари раислари ҳамда партия депутатлик гуруҳи иштироки даражасини аниқлашдир. Тадбирда Тошкент вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Юнусхон Шарипов умуммиллий дастур асосида 2004-2005 йилларда вилоятда олиб борилган ишлар юзасидан маъруза қилди.

— Бугун умумтаълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган ўқитувчиларнинг касб маҳорати, иш натижалари ҳамда тарбия-

Шавкат АКРАМОВ олган сурат

таб ўқитувчилари партия электоратининг муҳим таркибий қисми эканлиги, соҳадаги ўзгаришлар ижтимоий самарадорлигини ошириш партиянинг янги Дастурида акс этганлигидан келиб чиқиб, уларни амалга оширишда Ўзбекистон ХДП маҳаллий кенгашлари ва партия депутатлик гуруҳлари иштироки даражасини аниқлашдир. Тадбирда Тошкент вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Юнусхон Шарипов умуммиллий дастур асосида 2004-2005 йилларда вилоятда олиб борилган ишлар юзасидан маъруза қилди.

— Бугун умумтаълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган ўқитувчиларнинг касб маҳорати, иш натижалари ҳамда тарбия-вий ва синфдан ташқари олиб борилаётган ишларни баҳолаш бўйича тузилган махсус комиссиялар жойларда мавжуд ҳолатни ўрганиб чиқди, — деди у. — Олинган натижага кўра, Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарорига асосан январь ойида вилоятимизда 33475 нафар ўқитувчи янги таъриф бўйича маош олди. Улардан 13777 нафари (яъни, 40,8%) устама ҳақ олмоқда. Бу ҳукуматимизнинг ўқитувчиларни ҳар томонлама ўйлаб, улар масъулиятини ошириш бўйича қилаётган ишлари натижасидир.

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси Сирожиддин Аъзамов халқ таълими тизимидаги ислоҳотлар ижтимоий самарадорлигини ошириш, хусусан партия ташкилотлари томонидан умумтаълим мактабларига кўрсатилаётган эътибор ҳақида тўхталди.

Дарҳақиқат, Тошкент вилоят партия ташкилотлари томонидан таълим ходимлари меҳнатини ҳисобга олиш ва уларга ҳақ тўлаш, қоларверса, тизимга янгича ёндашувларни татбиқ этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўла қўллаб-қувватланмоқда. Бу борадаги ҳукумат қарорларининг бажарилиши устидан ЎзХДПнинг таълим тизимидаги 5 мингдан ортиқ аъзолари, шунингдек, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига сайланган 280 дан ортиқ депутатлари биринчи навбатда жамоатчилик назоратини олиб боришлари зарур.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мактабларни моддий қўллаб-қувватлаш, таълим жонкуярларини рағбатлантиришдек олижаноб ишга Тошкент вилоят партия ташкилотлари ҳам баҳоли-қудрат ўз ҳиссасини қўшмоқда. Жумладан, бу йилги фан олимпиадаларининг республика босқичида ғолибликни қўлга киритган 7 нафар ёш ва уларнинг ўқитувчилари партия вилоят кенгаши томонидан мукофотлар билан тақдирланиши «давра суҳбати»да алоҳида айтиб ўтилди.

Анжуманда соҳа вакиллари ҳамда ХДП фаоллари жойлардаги мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимини муҳокама этдилар. Партия маҳаллий кенгашлари, депутатлар гуруҳи вакиллари мактаб таълимини ривожлантиришга оид қарорлар жойларда аниқ бажарилиши устидан мониторинг ўтказишни ташкил этиш, мавжуд камчиликларни ҳал этишда манфаатдор томонлар ҳаракатларини бирлаштириш ҳақида ўз таклифларини билдирдилар.

Тадбир қатнашчилари Пскент туманидаги 10-мактаб ҳамда 12-мактабгача таълим муассасаси педагогик жамоаларининг ўқувтарбия жараёнини ислоҳ қилиш бўйича олиб бораётган ишлари билан яқиндан танишдилар. Анжуман якунида бундай учрашувларни вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида ўтказишга келишиб олинди.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Суратда: давра суҳбати иштирокчиларидан бир гуруҳи.

МАҚСАД ВА ҲАРАКАТЛАР МУШТАРАКЛИГИ

Яқинда Бухоро вилоят халқ таълими бошқармасида «Халқ таълимида олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарадорлиги ва халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштиришга оид бажарилган ишлар кўлами ва келгуси вазифалар» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши, депутатлар гуруҳи ва вилоят халқ таълими бошқармаси билан ҳамкорликдаги бу давра суҳбатини вилоят партия кенгаши раиси Жалолиддин Нуруллаев олиб борди. Тадбирда маъруза қилган вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Эргаш Ёриев тўпланганлар эътиборини кейинги олти йилда мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида амалга оширилган ишларга қаратди. Вилоятда жорий этилган «Мактаблар куни» қандай самара бергани, соҳадаги ютуқ ва камчиликлар нималардан иборат эканлиги айтиб ўтилди.

— Вилоятимизда мавжуд 536 та мактабларнинг, — деди нотиқ, — 68 фоизи замонавий типда қурилган. Уларда 28861 нафар ўқитувчи ишлайди. Кейинги уч йилда кўз кўрса қувнайдиган янги мактаблар қурилди. 10 та мактаб капитал реконструкция қилинди, 39 та мактаб капитал таъмирланди. Жорий йилда эса Когон туманида замонавий усулда янги мактаб қурилиши бошланди. Хуллас, мактаб-маориф соҳасида муайян ютуқларга эгамиз, муаммолар ҳам йўқ эмас.

Бухоролик ўқувчиларнинг олий ўқув юртларига ўқишга кириши бошқа вилоятлардан анча юқори. Халқаро ва мамлакат фан олимпиадалари натижалари ҳам Бухорода билимли, иқтидорли ўқувчилар кўплигидан дарак беради. Бу эса устоз ва мураббийлар меҳнати, мактабларда яратилган шароит талаб даражасида эканлигининг далилидир.

Президентимизнинг «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори соҳада ишловчилар масъулиятини янада оширди. Энди ишлаган ҳақиқий қадр топади. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг иккинчи — сифат босқичи ўқитувчидан кўп ишлашни талаб қилади. Биздан кўра, билимли, кучли, доно фарзандларни тарбиялаш учун ота-она билан ўқитувчи ҳамкорлиги даркор. Хуллас, мактаб ҳаёт йўлидаги биринчи масалага айланди. ЎзХДП дастурий мақсадига ҳамоҳанг бу вазифани фақат ҳамкорликда фаолият кўрсатиш билан уддалаш мумкин. Давра суҳбатида айнан шу хулосага келинди.

✧✧✧

Маълумки, мамлакатимизда бўлгани каби Бухоро вилоятида ҳам соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури доирасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур дастурнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланган шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази қисқа давр ичида Бухоро шаҳар касалхонаси негизида барпо этилди. Худди шунингдек, бундай марказлар барча туманларда фаолият кўрсатяптики, ҳозиргача уларда 80 мингга яқин бемор даволанди. Тизимда ишлаётган кадрлар малакасини оширишга, қишлоқ врачлик масканлари фаолиятини такомиллаштиришга эришилди. Айни пайтда аҳолига 327 та қишлоқ врачлик пунктлари хизмат кўрсатяпти. Ўтган ўн йил ичида эса 104 та қишлоқ врачлик маскани замонавий усулда қурилди. Вилоятда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, юқумли касалликларнинг олдини олиш мақсадида санитария назорати марказлари фаолиятини кучайтириш, дори-дармон таъминотини талаб даражасига кўтаришга эътибор қаратилди.

Буларнинг барчаси шифокорлар меҳнати маҳсулига сезиларли даражада таъсир этмай қўймайди, албатта. Бунинг устига давлатимиз раҳбарининг соҳа ходимларига кўрсатаётган ғамхўрлиги тизимда ислоҳотларни янги босқичга кўтаради, дейишга тўла асос бор.

Яқинда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши ва халқ депутатлари вилоят кенгашидаги ХДП депутатлик гуруҳи ҳамкорлигида ўтказилган давра суҳбатида юқоридаги фикрларга алоҳида урғу берилди. Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Ҳикмат Тошев, бошқарма масъул ходимлари Комила Ибрагимова, Расима Арзиханова ҳамда вилоят партия кенгаши раиси Жалолиддин Нуруллаевлар маърузаларида соҳадаги ислоҳотлар самарадорлигини ошириш ЎзХДП дастурининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Соҳадаги имкониятлар, олиб борилаётган изланишларда ҳар иккала томоннинг ҳамкорликдаги ҳаракати муҳим аҳамият касб этиши, миллат соғлиғини муҳофаза қилаётган шифокорлар эса партиянинг таянчи эканлиги фахр билан таъкидланди. Вилоятдаги партия аъзоларининг кўпчилигини шу касб эгалари ташкил этиши боис давра суҳбати якунида «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури ижросини таъминлашда манфаатдор томонлар ўз ҳаракатларини бирлаштиришга келишиб олдилар.

Давра суҳбатларида ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Н.Каримов иштирок этди.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Суратда: давра суҳбати иштирокчиларидан бир гуруҳи.

Мулоҳаза, мушоҳада

БАЛИҚ НЕГА ҚИММАТ?

ёки истеъмол бозорида балиқ ва балиқ маҳсулотлари нархидан кўнглингиз тўлаяптими? Умуман, мамлакатимизда тармоқ ривожи қай аҳволда? Олий Мажлисимиз Қонунчилик палатаси иш режасида балиқ хўжалиги тўғрисида ҳам қонун лойиҳаси тайёрлаш кўзда тутилганми?

МУАММОЛАР, ТАКЛИФЛАР

Иккинчи мақола

Хўш, асосий муаммолар нималардан иборат? Уларнинг ечими бўйича қандай таклифлар бор? Р.Қурбоновнинг айтишича, балиқ маҳсулоти ишлаб чиқаришни жадаллаштиришнинг экологик хавфсиз усуллари ҳали бизда етарлича ишлаб чиқилмаган. Амалиётдаги технологияларнинг айримлари эски усуллар бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижаларига асосланаяпти.

Маданийлаштириш объектлари ассортиментини кенгайтириш — аквамаданият ҳосилдорлигини оширишнинг муҳим усулларидан бири. Бунинг учун Марказ чучук сувда яшовчи креветкалар етиштириш технологиясини ишлаб чиқишни таклиф этди. Уларни урчитиш ва етиштириш аквамаданият соҳасида жаҳон бизнесининг энг фойдали турларидан бири бўлиб қолиши турган гап. Бироқ, Марказий Осиё минтақасида, хусусан, Ўзбекистонда креветка етиштирилмайди. Бизда эса ҳозирча бу тур сув ҳавзаларида (маданийлашмаган ҳолда) мавжуд, холос. Ғалдаги вазифа уни тўла ҳонакилаштириб, интенсив ўстириш технологиясини яратишдир.

Бугунги кунда Ўзбекистон балиқчилик хўжаликларида сув муҳити таркибининг ўзгаришлари бўйича касалликларга илк ташхис қўйиш амалиёти, шунингдек, маҳаллий ҳарорат шароитлари кўзда тутилган ҳолда касалликларнинг пайдо бўлиши ва тарқалишини олдини олиш усуллари қўлланилмаяпти. Шу муносабат билан касалликлар профилактикаси технологиясида ташхис қўйиш ва ҳовуз хўжаликларида балиқлар нобуд бўлишининг олдини олишнинг самарали ҳамда қўлланилиши осон усуллари ишлаб чиқилиши зарур.

Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси билан ҳамкорликда браконерликка қарши курашиш тадбирларини ишлаб чиқиш ва Айдар — Арнасой қўллар тизими, қуйи Амударё қўллари, Тўдакўл сув омбори ва қатор бошқа энг йирик сув ҳавзаларининг балиқ ресурсларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида таклифлар тайёрлашнинг ҳам пайти келди. Шунингдек балиқ овлашнинг фаол усулларини ўзлаштириш мақсадида мавжуд бригадаларни техника билан қайта таъминлаш ҳам ниҳоятда муҳим масала.

Шунингдек, балиқ захиралари ва озуқа базаси, Айдар-Арнасой қўллар тизимида гидрологик ва гидрокимёвий режимлар мониторингини ўтказиш учун Тузкон кўли ҳудудида биологик станция барпо этиш ва ишга тушириш тадбирларини жадаллаштириш муҳим масалалардан бири.

Балиқ тармоғи учун малакали кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Афсуски, ҳозир тармоқда мутахассислар етишмайди. Ўзбекистон Миллий университети биология-тупроқшунослик факультетининг ихтиология ва гидробиология кафедраси ҳар доим балиқчи мутахассислар тайёрлашнинг асосий маркази бўлиб келган. Бироқ, ҳозир ушбу кафедра экология кафедрасига айлантирилган.

Балиқчиликни ривожлантириш фонди етакчи чет эл илмий марказлари билан тажриба алмашиш тадбирларини, ҳамда хориж илғор технологияларни ўрганиш ва уларни республикада жорий этиш масалаларини режалаштирган, лекин бу мақсадлар қоғозда қолиб кетмаслиги керак...

— Яна бир таклиф, — дейди Қурбонов. — балиқ етиштириш ҳажмини ошириш, балиқ хўжалиги ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва овланадиган ихтиофаунани шакллантириш мақсадида сув ҳавзаларидан фойдаланишнинг алоҳида режимини ташкил этиш лозим. Бунинг учун эса Олий Мажлисимиз Қонунчилик палатасида — Ўзбекистон Республикасининг балиқ хўжалиги тўғрисидаги қонунини тайёрлаш талаб этилади. Унда балиқ ресурсларидан фойдаланиш режими — давлат мақсадига айланиши лозим...

Ниҳоят, суҳбатдошимиз айни биз кутган муддаони айтди. Фикрларини билдириб, таклифларини қўйди. Дарвоқе, мамлакатимизда балиқ ресурсларидан фойдаланиш режимига — давлат мақсади даражасидаги мақом берилган Балиқ хўжалиги тўғрисида Қонун керак. Юқорида тилга олинган Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги чорвачилик, паррандачилик ва балиқчиликни ривожлантириш Бош бошқармасининг балиқчилик илмий-тадқиқот Маркази ўз вазифалари ва ваколати доирасида (балиқчилик ҳавзалари танлаш, ташкил этиш, балиқ турларини кўпайтириш, урчитиш, парвариш қилиш юзасидан тавсиялар бериш ва ҳоказо) иш олиб боради, холос. Нархига келганда улар аралаша олмайди: бозор иқтисодиёти — эркин ишлаб чиқариш, эркин савдо, эркин нарх...

Лекин, нима бўлганда ҳам, агар маҳсулот кўп бўлса, нарх ўз-ўзидан пасаймайдими? Бизнингча, уни ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзи камки, рақобат йўқ. Рақобат йўқ жойда, табиийки, нарх ўсаверади...

Ҳозир балиқчиликда ғалати аҳвол юзага келган: тармоқдаги барча ҳавзалар (қўллар, дарёлар, ҳовузлар, оқимлар)да қанча балиқ етиштирилаяпти, қанчаси сотиляпти, қанчаси қайта ишланаяпти, қанчаси музлатилаяпти, сингари кўрсаткичларни жамлаган ягона статистика йўқ. Дейлик, юзлаб (ва ҳатто кўп!) фермер хўжаликларига бўлиб берилган ва янгидан берилаётган ерлар ҳудудида табиий кўл(ча)лар, ҳовузлар бор. Уларнинг аксариятида балиқлар ушланаётгани ва истеъмолга чиқарилаётгани аниқ. Лекин, ҳисоб-китоби қани? Балиқ кимга, қаерга берилди? Ким кимдан сотиб олаяпти? Пули қаерга кетаяпти? Браконерлар тутаётган балиқлар ҳажми қанча?... ҳоказо, ҳоказо маълумотлар бирор статистикада йўқ.

Масалан, халқ хўжалигининг ҳар бир тармоғидаги тизимлар ўз шрифтига эга бўлади. Балиқчиликда балиқ ушлаш ҳажми шрифти, дейлик — 21600, ҳовузлардан тутилаётган балиқ ҳажми шрифти — 21300... Қайта ишланган маҳсулот шрифти-чи, музлатилган ёки ун қилинганники-чи? Чунончи, Жиззахда «Гагаринсавдо», «Ғаллароолпарранда» ва жазони ўташ муассасига қарашли ерлардаги ҳавзаларда тутилаётган балиқлар қайси оборотда бор? Ёки мавжуд балиқ дўконларининг ҳаммасида ҳам касса кирими йўлга қўйилганми?

Умуман олганда, балиқчиликни қўриқлаш ишлари қандай? Мана, масалан, Россияда балиқчилик ҳатто кенг океанлардаги чегаралар бўйлаб федерал хизмат муҳофазасига олинган. Бизда-чи? Бизда уни қайси хизмат қўриклайди?

Балиқ етиштиришга ихтисослашган хўжаликлар бугун аҳоли эҳтиёжи даражасида маҳсулот ишлаб чиқараяптиларми? Бу борада улар истеъмолчиларнинг йиллик, ойлик, мавсумий ва ҳудудларига қараб талаб даражасини ўрганиб чиққанларми? Йўқса, (аҳвол шу тарзда кетаверса), мавжуд балиқчилик хўжаликлари маҳсулот тайёрлаш, нарх белгилаш ва унинг реализацияси жараёнларида муайян даражадаги монопол мавқеига эга бўлиб қолмайдиларми?

Эҳтимол, бу борада Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулк қўмитаси,Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси, савдо-саноат палатаси, статистика ва назоратга тегишли органлар, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи қатор мутасадди идоралар ҳамда бошқа манфаатдор тузилмалар мутахассислари ҳам ўз фикрлари билан чиқишар...

Назаримизда, тармоқ ривожи йўлидаги бу ва бошқа қатор-қатор муаммоларга қабул қилиниши зарурати туғилаётган Балиқ хўжалиги тўғрисидаги қонунда ечим топилиши мумкин.

Номоз САЪДУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири

Қарор ва ижро

«АРИЗАНИ КЎРИБ ЧИҚИШ УЧУН ЮБОРАЯПМИЗ ...»

ЁКИ БИРИНЧИ ГУРУҲ НОГИРОНИ БЎЛГАН МАҲБУСГА НИСБАТАН НЕГА АМНИСТИЯ ҚЎЛЛАНИЛМАЁТГАНИ ҲАҚИДА

Ўтган йилнинг 2 декабрь куни мамлакатимиз Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн уч йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида» қарори қабул қилинган, ушбу қарор ижросини ўз вақтида таъминлаш бўйича республикамиз Президенти қарори чиққан эди. Ушбу масалаларга бағишлаб ҳуқуқ-тартибот идоралари масъул ходимлари учун семинар ташкил этилганди. Унда озодликка чиқадиганларнинг бирортаси ҳам эътибордан четдан қолмаслиги уқтирилган эди.

Бу меҳр-мурувват туфайли минглаб одамлар ўз оиласи бағрига қайтди. Давлатимизнинг инсонпарварлик сиёсатидан мамнун бўлган кўплаб фуқаролар ва маҳбусларнинг дил сўзлари оммавий ахборот воситаларида эълон қилинди.

Афсуски, яқинда таҳририятимизга келган бир хат ва тақдим этилган ҳужжатлар бизни қаттиқ ўйга толдирди, ташвишга солди. Ҳужжатларни қайта-қайта ўргандик. Аризачи кўп идора ва ташкилотларга хат ёзган. Хатлар бир идорадан иккинчисига оширилган, аммо ҳеч ким унга аниқ жавоб бермаган. «...Ўғлим Тўлаганов Азамат Хушбоқович 1973 йилда туғилган. Унга 2002 йилнинг 16 май куни Ўзбекистон Республикаси Харбий суди томонидан 16 йилга жазо тайинланган эди, деб ёзади сурхондарёлик Хушбоқ Тўлаганов. — Ўғлим 1993 йилдан бери қандли диабет ва сурункали бронхит касаллиги билан оғриб келган ва рўйхатга олиниб даволаниб юрган эди. 2003 йил апрель ойида 64/18-сонли муассаса Республика касалхонаси терапия бўлимида даволанди. Бироз тузалгандек бўлди. Лекин 2003 йилнинг 2 августида ҳушсиз ҳолатда Термиз тиббий ёрдам касалхонасига ётқизилди... Энг ачинарлиси, ўғлим маҳбус Тўлаганов Азамат даволанишининг 82-куни, яъни 2003 йил 22 октябрда тузалмасдан туриб, ўнг оёғи ва ўнг қўли шол ҳолда грузовой автомобилда УЯ 64/ТХ-8 муассасага олиб бориб ташланди. Шундан сўнг ўғлимнинг аҳволи оғирлашиб, қон босими юқори бўлиб, иккинчи марта қон қуйилиб, 2003 йилнинг 14 ноябрь куни яна Термиз тез ёрдам касалхонасига ётқизилди. Аҳволи тобора оғирлашгани натижасида 5 декабрь куни 1-сонли вилоят касалхонасининг неврология бўлимига ўтказилди. Ҳозирга қадар даволаш муолажалари олиб борилмоқда...

Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза этиш комиссияси 2004 йил 2 июнда 1-гуруҳ ногирони деб хулоса берган. Бу хулосани Республика Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги топшириғига кўра, Қашқадарё вилояти Марказий ТМЭК-1 таркиби кўриб чиқиб, ўғлимнинг 1-гуруҳ ногиронлигини тўғри деб топди...»

Аризачининг асосий саволи, талаби, дарди битта: ўғли 1-гуруҳ ногирони бўлса, аҳволи ўта оғир бўлса, нега унга нисбатан амнистия қўлланилмаяпти? Бирор идорадан ўз саволига аниқ жавоб ололмаяпти. Шубҳа-гумонлари кўпайгандан кўпайиб бормоқда. Кимнингдир ўзига ёки ўғлига қасди борми? Кимдир ўз айбини яшириш учун маҳбус Азамат Тўлагановнинг озодликка чиқишини хоҳламаяптими?...

Кечаю кундуз шу каби саволлар гирдобида қолган отанинг аҳволини тушуниш мумкин. Ўғли оғир аҳволда ётган бўлса, тили дудуғланиб, танасининг бир томони ишламаса, ранги кун сайин сарғайиб кетаётган бўлса...

Дарҳақиқат, Сурхондарё вилоят Марказий ТМЭК раиси А.Қаршиев имзо чеккан маълумотномада шундай сўзлар бор: «Ушбу маълумотнома 1-гуруҳ ногирони Тўлаганов Азамат тўғрисида бўлиб, отаси Тўлаганов Хушбоқнинг аризасига асосан талаб қилинган жойга тақдим этиш учун берилмоқда. Фуқаро А.Тўлаганов 02.06.2004 йилда Сурхондарё вилоят Марказий ТМЭКи мутахассислари томонидан ўзи бевосита тиббий ҳужжатлари асосида текшириб кўрилиб, биринчи гуруҳ ногиронлиги умумий касаллик билан икки йил муддатга берилган (қайта кўрикдан ўтиши 2006 йил 2 июнь) ва серияси 03А №396542 сонли ТМЭК маълумотномаси берилган.

Диагноз: Бош миянда қон айланишининг ишемик типда ўткир бузилиши асорати (2003 йил август) ўнг томон гемиплегияси, мотор аразияси...»

Сурхондарё вилоят суд-тиббий экспертиза бюроси бошлиғи У.Жўраев берган маълумотномада эса қуйидагилар қайд этилган: **«...мутахассис ҳакимлар кўриги ва маслаҳати натижаларига кўра унинг аҳволида яхши томонга ўзгариш йўқ, аксинча оғирлашиб, бошқа қўшимча хасталиклар ва асоратлар келиб қўшиляпти.**

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда экспертлар комиссияси фуқаро Тўлаганов Азаматнинг ҳозирги кундаги аҳволи уни бирор жойга кўчириш, транспортировка қилиб олиб бориш имконини бермайди деб ҳисоблайди».

Афсуски, биз мақолани тайёрлаш жараёнида Х.Тўлаганов таҳририятимизга яна шикоят билан келди. Унинг айтишича, ўғлини Термиздан Тошкентдаги касалхонага кўчиришибди(?!).

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси махсус гуруҳи хулосасида ҳам Азамат Тўлагановнинг 1-гуруҳ ногирони эканлиги ва бировлар ёрдамига муҳтожлиги, уни жойидан кўчириш-транспортировка қилиш мумкин эмаслиги, мунтазам равишда невропатолог, кардиолог ва эндокринолог мутахассислар назоратига муҳтожлиги қайд этилган эди.

Шунингдек, бошқа ҳужжатлар ҳам маҳбус Азамат Тўлаганов 1-гуруҳ ногирони экани ва саломатлиги оғир, ҳаёти хавф остидалигини исботлаб турибди. Аммо, негадир унга нисбатан амнистия қўлланмай қолмоқда. Ҳеч ким бунинг сабабини аниқ тушунтирмаяпти. Отасининг турли идораларга ёзган хатларига «Аризангиз фалон идорага юборилди, кўриб чиқилади», деган жавоблар ёки шикоятини бир ташкилот иккинчи ташкилотга жўнатганлигини билдирувчи хатлар бир даста. Аммо отага атиги тўрт қатор жавоб керак, яъни ўғлига нисбатан нега амнистия қўлланилмаяпти, бунинг сабаби нимада?

Шу биргина саволга жавоб кутиб, зир югурмоқда. Биз ҳам унинг арз-додини кўриб чиқиш учун тегишли идоралар эътиборига ҳавола этаяпмиз. Зора жавоб қилишса.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Фармон ва ижро

ЖАВОБГАРЛИК МАСЪУЛИЯТИ

Собиқ шўро даврида хўжалик субъектлари асосан давлат қарамоғида эди. Ишлаб чиқариш режали иқтисодиётга асосланган бўлиб, корхонанинг кимдан ва қанча қийматда хомашё олиши, қандай маҳсулот ишлаб чиқариши, тайёр маҳсулотни кимга ва қандай нархда сотиши олдиндан маълум бўларди. Қолаверса, олинган фойдани нимага ишлатиш юқоридан тасдиқланган ва корхоналар учун бажарилиши мажбурий бўлган режалар асосида белгилаб бериларди. Хуллас, хўжалик субъектларига иқтисодий эркинлик яратилмаганлиги учун уларнинг банкротлиги ҳақида ҳам гап бўлиши мумкин эмас эди.

Банкротлик тушунчаси қонунчилигимизга биринчи маротаба 1994 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги қонуни қабул этилиши билан янги ҳуқуқий институт сифатида кириб келди. Негаки, республикамизда бозор муносабатлари асосида эркин ишлаб чиқаришга ўтилиши натижасида хўжалик субъектларининг ночор аҳволга тушиб қолиши билан боғлиқ муносабатлар юзага кела бошлаганди. Яъни банкротлик ҳолатининг пайдо бўлиши уни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш заруратини ҳам яратди.

Қонун қабул қилингандан сўнг уни ҳаётга татбиқ этиш қийин кечди. Юқорида айтиб ўтганимиздек, банкротлик масаласи илгари амалиётда қўлланилмаган бўлса, иккинчидан, бу борада тажриба йўқ эди. Бундан ташқари, корхоналарни банкрот, деб топиш ҳуқуқи фақат хўжалик судларига, бундай аризаларни бериш ҳуқуқи эса прокурор, кредитор ва қарздорга берилган бўлиб, дастлабки вақтлари фуқаролар томонидан корхоналарнинг банкротлиги масаласини кўтариш ва банкрот деб топиш бўйича иккиланиш, кутиб туриш ҳолатларига дуч келинди. Қолаверса, иқтисодиёти ночор аҳволга тушган корхоналар кредиторлари ўз қарзларини тўлиқ ололмай қолишдан шубҳаланиб, судга ариза беришдан бироз чўчиб турдилар.

1995 йил 17 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори қабул қилиниб, махсус комиссия тузилганидан сўнг ишлар жонланиб кетди.

Ҳаракатдаги қонун (янги таҳрирда) тўпланган тажрибалар асосида 2003 йил апрель ойида Олий Мажлис сессиясида қабул қилинди ва шу йилнинг 10 июнидан бошлаб қонуний кучга кирди. Қонуннинг асосий мақсади иқтисодий томондан ночор аҳволга тушиб қолган хўжалик субъектига, биринчидан, оёққа туришига кўмаклашиш, агар натижа чиқмаса, уни банкрот деб топиб, кредиторларга тақсимлашдан иборат.

Қонун барча хўжалик субъектларига қўлланилмайди. Ўз фаолиятини давлат бюджети ҳисобидан амалга оширадиган, яъни оператив бошқариш ҳуқуқи асосида хизмат кўрсатадиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар молия-хўжалик фаолиятини эркин амалга ошира олмаслиги сабабли банкрот, деб топилиши мумкин эмас. Булар жумласига соғлиқни сақлаш ва халқ таълими тизими ташкилотлари ҳам киради.

Илгариги қонунда корхонани банкрот деб топиш учун асосий ва аҳамиятли шарт назарда тутиларди. Бунинг учун тўлаш муддати кредиторлар талабларини 6 ой давомида қаноатлантира олмаган бўлиши керак эди. Ҳаракатдаги янги қонунда эса банкротлик белгилари юридик шахслар билан жисмоний шахсларга ҳар хил белгиланди. Жисмоний шахслар (тадбиркорлик билан шуғулланувчи фуқаролар) банкрот, деб топилиши учун қарздор якка тартибдаги тадбиркорга нисбатан энг кам иш ҳақи миқдорининг камида беш юз баробарини ташкил этадиган бўлиши керак. Бундай қатъий норманинг киритилиши хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги тўлаш тартиби қўпол тарзда бузилишининг олдини олади, шартномавий муносабатларни тўғри йўлга солишни назарда тутади. Шунинг учун хўжалик юритувчи субъектлар кредиторлик қарзларини тўлашни кечиктирмаслиги, уларни ўз вақтида қайтариш тадбирларини кўришга алоҳида эътибор бериши лозим. Йўқса, улар банкротлик ҳолатига тушиб қолиши мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси Беруний туманидаги «17-сонли автобаза» МЧЖни банкрот деб топиш тўғрисида ариза билан мурожаат этди. Жамиятнинг 3 ойдан ортиқ вақтдан буён тўланмай келинган 73808,5 минг сўм кредиторлик қарзи бўлган. Яъни энг кам иш ҳақи миқдорининг беш юз баробаридан ортиқ миқдорда. Корхонанинг қисқа муддат ичида қарзни тўлаш имконияти бўлмаганлиги сабабли у суднинг ҳал қилув қарори билан банкрот деб топилди. Демак, қонунга мувофиқ корхонанинг энг кам иш ҳақи миқдорининг камида беш юз каррасини ташкил этадиган қарзи бўлса, мол-мулки бўлишига қарамасдан банкрот бўлиш хавфи вужудга келади. Бунга хўжалик субъектларининг раҳбарлари алоҳида эътибор беришлари керак.

Дастлабки вақтларда корхонанинг банкротликка тушиб қолишига кўп ҳолларда иқтисодий муносабатлар қийинлашиши ҳамда фуқароларнинг хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун ҳали етарли тажрибага эга бўлмаганлиги сабаб бўлар эди. Ҳозир корхона раҳбарларининг уқувсизлиги, давлат томонидан берилган имконият ва енгилликларда тўлиқ фойдалана олмаслиги кўпгина корхоналарни банкротлик ҳолатига олиб келаяпти. Шу боис Президентимизнинг «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларини бажармагани учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги Фармонида тўлов интизомини бузганлиги, шартнома мажбуриятини бажармаганлиги ва корхонани банкротлик ҳолатига олиб келганлиги учун айбдор шахсларга кескин чоралар кўриш талаб этилади. Фармон талабларидан келиб чиқиб, 2005 йилда банкрот деб топилган 4 та корхона раҳбарига нисбатан Қорақалпоғистон хўжалик суди томонидан жиноят иши қўзғатилди.

Хуллас Фармон раҳбарлар масъулиятини ошириб, корхоналар банкротлик ҳолатига тушиб қолишининг олдини олишда амалий аҳамиятга эга.

Азат СЕЙТАНОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судининг раиси

Ўзбекистон ва жаҳон

САРМОЯДОРМИСИЗ, МАРҲАМАТ

ЎЗБЕКИСТОНДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР СИЗГА МУНТАЗИР

Мустақиллик қўлга киритилган кундан бошлаб бор-йўғи ўн тўрт ярим йил ўтган бўлишига қарамай, Ўзбекистон бугун барқарор иқтисодиётга, эркин валюта бозорига, паст инфляция даражасига эга бўлган ва экспорти таркибида тайёр маҳсулот етакчи ўрин тутган мамлакатга айланди. Бундай баҳони эндиликда маҳаллий экспертлар эмас, балки халқаро ташкилотлар ҳам бераётгани қувончли ҳол.

Муваффақиятларга эришишда, шубҳасиз, мулк соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар муҳим роль ўйнаб, унинг асосини мамлакатдаги кенг қўламли хусусийлаштириш — давлат мулкини ҳақиқий мулкдорлар қўлига топшириш жараёнлари катта аҳамият касб этмоқда.

Бугун Ўзбекистонда инвестициялар киритиш учун етарли имкониятлар мавжуд. Хусусан, бизнес учун қулай шарт-шароитлар яратилган бўлиб, мамлакатда сиёсий ва макроиқтисодий мустақиллик қарор топиб бормоқда. Хорижий сармоядорлар ҳуқуқларини ҳимоялашнинг кучли кафолатлари ўрнатилаяпти ва улар учун янада кўпроқ имтиёзлар тизими кўзда тутилаяпти. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш учун энг муҳим бўлган хомашё, материаллар, энергия ресурсларининг қўшни мамлакатлардагига нисбатан паст нархлари ва юқори малакали ишчи кучи хорижий сармоядорларда кўпроқ қизиқиш уйғотмоқда.

Халқаро операциялар бўйича миллий валюта айрибошланишининг жорий этилгани ва амалга оширилаётган ислоҳотлар стратегияси — иқтисодиётни янада эркинлаштириш ҳамда хорижий сармояларни жалб этиш имкониятини туғдирмоқда. **«Чет эл инвестициялари тўғрисида», «Инвестиция фаолияти тўғрисида», «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тўғрисида», «Қимматли қоғозлар бозорида чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши тўғрисида»**ги қонунлар хорижий сармоядорлар учун адолатли, тенг ҳуқуқли ва ҳимояси ҳамда хавфсизлиги кафолатланган ҳужжатлар бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тизими ҳам ишлаб чиқилганки, улар солиқ имтиёзлари ва переференцияларини ўз ичига олади. Масалан, қонунларда хорижий сармоядорлар учун яратилган имтиёзларга эътибор беринг:

— Рўйхатга олинган вақтдан бошлаб 10 йилгача жорий қонун ҳужжатлари ўзгаришининг салбий оқибатларидан ҳимоялаш;

— Давлат инвестиция дастурига киритилган лойиҳага инвестиция киритилган ҳолларда етти йилгача солиқдан озод этиш ёки фойда солиғини 25 фоизгача камайтириш;

— корхонани фаолият бошлаган дастлабки икки йил мобайнида ер солиғи тўловидан озод этиш;

— Ўзбекистонга импорт қилинадиган технологик жиҳозлар учун ҚҚС (қўшилган қиймат солиғи) тўлашдан озод этиш ва экспорт қилинадиган товарлар бўйича ноль ставкаси бўйича ҚҚС ҳисоблаш...

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги Фармонига мувофиқ тўғридан-тўғри хусусий чет эл инвестицияларини жалб этувчи иқтисодиёт тармоқлари корхоналари 7 йилгача асосий фаолияти бўйича даромад (фойда) солиғи, мулк солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ҳудудларни ободонлаштириш учун солиқ, экология солиғи, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқдан ҳам озод бўлиб, **босқичма-босқич** амалга оширилмоқда. Шунингдек, ислоҳотларнинг **дастлабки босқичида** (1992-1993) давлат ўй-жой фонди, савдо, хизмат кўрсатиш, маҳаллий, енгил, озиқ-овқат саноати, автомобиль транспорти, қурилиш тизимларининг кичик корхоналари хусусийлаштирилди. Бу кўп миллионлаб фуқароларга хусусийлаштирилган уй-жойнинг, ўн минглаб кишиларга савдо, маиший хизмат кўрсатиш, умумий овқатланиш объектларининг мулкдорлари бўлиш имконини берди.

Иккинчи босқичда (1994-1996) саноатнинг барча тармоқларини (базавий тармоқлардан ташқари), шу жумладан, агросаноат мажмуини — кенг қўламли хусусийлаштириш натижасида мамлакатда хусусийлаштирилган корхоналар акциялари (улушлари пайлари)нинг 2 млн. та эгасини, 3 млн. нафар шахсий ёрдамчи хўжалик эгаларини, 85 минг нафар хусусий ва кичик корхона эгаларини, 14 минг нафар қўчмас мулк объекти эгаларини бирлаштирган **мулкдорлар синфи** шаклланди.

1998-1999 йилдан саноат гигантлари, ёқилғи-энергетика мажмуи, кимё, металлургия ва машинасозликнинг ёрдамчи корхоналарни хорижий сармояларни кенг жалб этган ҳолда хусусийлаштириш бошланди.

Мазкур жараёнларда давлат мулки қўмитаси қуйидаги вазифаларнинг бажарилишига масъул: **(1)** давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, яъни мулкни хусусий қўлларга топшириш; **(2)** давлат мулкини бошқариш ва корпоратив бошқарувни жорий этиш; **(3)** хусусийлаштирилган корхоналарнинг хусусийлаштиришдан кейинги даврдаги мониторингини ташкил қилиш; **(4)** бозор инфратузилмаси ташкилотлари (биржалар)нинг ривожланишига кўмаклашиш.

Давлат мулкини хусусийлаштириш 1992 йилда бошланган этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 мартдаги Қарори билан тасдиқланган 2005-2006 йилларда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурига 2246 та корхона ва объект киритилган бўлиб, шундан 1528 таси сотиш учун активларга эга. 2005 йил якунига кўра, уларда 882 та корхона ва объект (58%) сотилди.

Бугунги кунда хорижий сармоядорларга хусусийлаштирилаётган корхоналар акциялари, қурилиши тугалланмаган ва ижтимоий инфратузилма объектлари биржа бозорларида тўлиғича хусусийлаштириш учун сотишга таклиф этилмоқда. Шунингдек, нефть-газ, электротехника, кимё, тўқимачилик саноати йирик корхоналарнинг давлат улуши ҳам хусусий мулкка сотилиши айтилмоқда.

Шу билан бирга сармоядорлар ижтимоий аҳамиятга эга объектлардаги ва турли тармоқ корхоналаридаги давлат активларини сотиш бўйича ҳам танлов савдоларида иштирок этишлари мумкин. Бундай активларни сотиш амалиёти шуни кўрсатдики, юқори баҳолаш қиймати туфайли илгари биржа савдоларида сотилмаган ушбу активларга танлов савдоларида имкониятли сармоядорлар учун талаб катта.

Муҳим жиҳатлардан яна бири — очиқ тендер савдоларида хорижий сармоядорларга энергетика, нефть-газ, кимё тармоқларининг йирик стратегик аҳамиятга эга ва темир йўл транспорти корхоналари акциялари пакетлари ҳам таклиф этилади. Жумладан, ҳозирги кунда кимё саноати корхоналари, иссиқлик ва гидроэлектр станциялари, меҳмонхона мажмуалари, почта хизмати ҳамда ёғ-мой комбинатларида давлат улушини сотиш бўйича очиқ тендер савдолари эълон қилинган.

Иқтисодиётнинг базавий тармоқларидаги йирик стратегик корхоналарнинг давлатга тегишли активлари халқаро тендерлар орқали сотилади. Мазкур корхоналарнинг давлат активлари, одатда, республиканинг қатор вазирликлари ва идоралари раҳбарларидан таркиб топган Давлат тендер комиссияси қарорига кўра сотувга қўйилади. Бундай корхоналар Давлат инвестиция дастурига киритилган бўлиши мумкин бўлиб, бу уларга қўшимча имтиёзлардан фойдаланиш имконини ҳам беради.

Хорижий сармоядорлар юқорида санаб ўтилган усуллар орқали сотиладиган давлат мулки улушини харид қилиш йўли билан хусусийлаштириш жараёнида фаол иштирок этиш имконияти бор. Чунки, сармоядорлар чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни ташкил этишдан манфаатдор.

Яна устунликлар ҳақида тўхталадиган бўлсак, хусусийлаштириш жараёнида сармоядорлар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига технологик жиҳозлар учун эҳтиёт ва бутловчи қисмларни олиб келиш кўринишидаги инвестициялар сармоядор томонидан инвестиция мажбуриятлари қабул қилинган вақтдан бошлаб инвестиция даврига боҳхона тўловларидан озод этилади (божхонадаги расмийлаштириш учун йиғимлар бундан мустасно).

Бундан ташқари, хусусийлаштирилаётган корхоналарнинг инвестиция жозибадорлигини ошириш, хорижий сармоядорларни жалб қилиш учун қўшимча рағбатларни яратиш мақсадида назорат пакетлари сотиб олмаган, лекин корхонага катта миқдорда инвестиция киритувчи сармоядорларга Давлат тендер комиссиясининг қарорига кўра, профессионал бошқарув компанияларига танлов ташқари топшириш учун мўлжалланган давлатга тегишли акциялар пакетларини бошқариш ҳуқуқи берилиши мумкин. Бу ҳам сармоядорга қўшимча кафолатлар олиш, менежмент ва пул оқимларини назорат қилиш имконини беради.

Одил ИСКАНДАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси ташқи иқтисодий алоқалар бошқармаси бошлиғи

XORIJDA

✓ САУДИЯ АРАБИСТОНИ

Саудия Арабистони хавфсизлик кучлари мамлакатдаги йирик нефтни қайта ишлаш заводини порт-латиб юбормоқчи бўлганликда айбланаётган жангариларни бартараф қилишга киришди.

«Франс пресс» агентлиги хабар беришича, пойтахтнинг шарқий қисмида отишма ва граната портлашлари эшитилган. Охирги маълумотга кўра, беш нафар жангари ўлдирилди.

Саудия Арабистони махсус хизмати вакили агентликка берган маълумотига кўра, террорчилар гуруҳи хавфсизлик кучлари томонидан қуршаб олинди.

✓ РОССИЯ — ЭРОН

Россия ва Эрон Россия ҳудудида уранни бойитадиган қўшма корхона тузиш ҳақида келишиб олди.

Бу ҳақда «Росатом» раҳбари Сергей Кириенконинг Теҳронга қилган ташрифи давомидаги матбуот анжуманида эълон қилинди.

Мамлакатнинг Атом бўйича миллий ташкилоти раҳбарларидан бўлмиш Эрон вице-президенти Ғулом Ризо Оғазода Бушерда журналистлар олдида қилган чиқишида «томонлар Россия таклифи бўйича принципиал келишувга эришган»ини билдирди. Шу билан бирга, унинг сўзларига кўра, «таклифнинг тафсилот ва тартиби ишлаб чиқилиши лозим». Бу эса Россия ва Эрон музокаралари яқин кунлар ичида Москвада давом этишига замин яратди.

Россия уранни бойитиш ва ёнилғини қайта ишлаш унинг ҳудудида амалга оширилишини Эронга таклиф қилган. Айнан шу таклиф дунё ҳамжамияти томонидан Эрон ядро дастурини ривожлантиришга имкон берувчи ягона йўл деб қаралмоқда.

Бироқ Эрон томони ядро борасидаги тадқиқотларни ўз ҳудудида ўтказишни маъқул кўрганлиги туфайли эришилган келишувлардан қониқмаган кўринади.

Нима бўлганда ҳам, Оғазода ва Кириенко масала ижобий ҳал бўлаётганига ишонч билдиришди.

— Менимча, биз МАГАТЭнинг Бошқарув кенгаши йиғилишигача муаммо ечимини топамиз, — деди Оғазода.

Россия таклифини БМТ Хавфсизлик Кенгашининг яна бир доимий вакили Хитой ҳам қўллаб-қувватламоқда. Агарда Эрон дунё ҳамжамиятига ядро дастури тинч мақсадларга йўналтирилганлигини исботлай олмаса, айнан Хавфсизлик Кенгаши унга санкция қўллаш масаласини ҳал қилади.

✓ АҚШ

Американинг олти йирик портини бошқариш шартномасини қўлга киритмоқчи бўлган Бирлашган Араб Амирликларида жойлашган «Dubai Ports» (DPW) компанияси Америка ҳукуматига келишув шартларини қайта кўриб чиқиш учун 45 кун муддат берди.

Ана шу шартномага эгалик қилмоқчи бўлган яна бир компания Майамидаги «Eller & Co» БАА билан тузиладиган шартнома миллий хавфсизликка таҳдид солишини билдириб, бунга тўсқинлик қилмоқчи.

Американинг бир қатор сиёсатчилари ҳам келишув имзоланиши миллий хавфсизликка таъсир қилиши мумкинлигини билдиришди.

Президент Буш маъмурияти олтита порт бошқарувини Дубайдаги компанияга топшириш тарафдори. Буш фикрича, БАА АҚШ иттифоқчиси бўлгани учун ҳам бу келишув миллий хавфсизлик учун хавф туғдирмайди.



«Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори» ОАЖ

«ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ УЛГУРЖИ БОЗОРИ» ОАЖ ФАОЛИЯТИ ЮЗАСИДАН МАЪЛУМОТЛАР ҲАҚИДА ХАБАР

Хабарнинг тартиб рақами — 07

«Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори» ОАЖ Кузатув Кенгаши жамият акциядорларининг навбатдан ташқари мажлиси 2006 йил 9 март куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Тошкент автомобиль ҳалқа йўли, «Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори» ОАЖ маъмурияти биносида бўлишини маълум қилади.

Кун тартибига қўйилган масалалар:

1. «Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори» ОАЖ Низом жамғармасини ошириш.

2. «Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори» ОАЖ Низомига ўзгартириш киритиш.

Жамият акциядорларининг реестри 2006 йил 24 февраль ҳолатига ёпилган.

Акциядорлар шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар ёки ишончнома асосида соат 10.00 гача рўйхатга олинади.

Қўшимча маълумот учун телефон: 195-96-52.

Кузатув Кенгаши

ТОШКЕНТ ШАҲРИ, БЕКТЕМИР ТУМАНИ, ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ҲАЛҚА ЙЎЛИДА ЖОЙЛАШГАН «ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ УЛГУРЖИ БОЗОРИ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

«Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори» ОАЖ фаолияти юзасидан маълумотлар ҳақида хабар.

Хабарларнинг тартиб рақами — 07,10

ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ МАЖЛИСИ

2006 йил 28 март куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Тошкент автомобиль ҳалқа йўли, жамият маъмурияти биносида бўлишини ўз акциядорларига маълум қилади.

КУН ТАРТИБИ:

1. «Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори» ОАЖнинг 2005 йил якуни бўйича иш фаолияти юзасидан жамият бошқаруви раисининг ҳисоботи.
2. Жамиятнинг 2005 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан Аудиторлик хулосасини тасдиқлаш.
3. 2005 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Кузатув кенгашининг 2005 йилдаги фаолияти ҳақидаги ҳисоботини кўриб чиқиш.
5. 2005 йил молиявий-хўжалик якуни бўйича жамият балансини тасдиқлаш.
6. 2005 йил молиявий-хўжалик ҳисоботи якуни бўйича даромадларни тақсимлаш ва дивидендлар миқдори ҳамда уни бериш тартибини тасдиқлаш.
7. 2006 йилга иш режаси (бизнес-план)ни тасдиқлаш.
8. Жамият бошқаруви раиси билан меҳнат шартномаси муддатини узайтириш ёки тўхтатиш.
9. 2006 йилга мўлжалланган даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлаш.
10. 2006 йил фаолияти учун жамият аудиторини ва унинг хизмат ҳақи миқдорини тасдиқлаш.
11. Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
12. Кузатув кенгашининг 2005 йилда қабул қилган қарорларини тасдиқлаш.

«Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори» ОАЖ акциядорлари реестри 2006 йилнинг 26 февраль ҳолатига ёпилган.

Акциядорлар соат 10.00 гача рўйхатга олинади.

Умумий мажлис кун тартибига қўйилган масалаларга алоқадор ҳужжатлар билан жамият маъмурий биноси, 2-қават, 9-хонада танишиш мумкин.

Қўшимча маълумот учун телефон: 195-96-52.

Кузатув Кенгаши

YUNUSOBOD DEHQON BOZORI

«ЮНУСОБОД ДЕҲҚОН БОЗОРИ»

очиқ акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!

2005 йил якунлари бўйича жамият акциядорларининг навбатдаги умумий мажлиси 2006 йил 30 март куни соат 11.00 да жамият маъмурияти биносининг мажлислар залида бўлиб ўтади.

Акциядорларни рўйхатга олиш шу куни соат 10.00 дан бошланади.

Мажлис кун тартиби:

1. Жамиятнинг 2005 йил якуни бўйича иш фаолияти юзасидан бошқарув раисининг ҳисоботи ва уни тасдиқлаш.
2. 2005 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан Аудиторлик хулосасини тасдиқлаш.
3. 2005 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Кузатув кенгашининг 2005 йилдаги фаолияти ҳақидаги ҳисоботини кўриб чиқиш.
5. 2005 йил молиявий-хўжалик ҳисоботи якуни бўйича жамият балансини тасдиқлаш.
6. 2005 йил молиявий-хўжалик ҳисоботи якуни бўйича даромадларни тақсимлаш ва дивидендлар миқдори ҳамда уни бериш тартибини тасдиқлаш.
7. 2006 йил иш режаси (бизнес-план)ни тасдиқлаш.
8. Жамият бошқаруви раисининг меҳнат шартномаси муддатини тўхтатиш ёки узайтириш.
9. 2006 йилга мўлжалланган даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлаш.
10. 2006 йил фаолияти учун жамият Аудиторини тасдиқлаш ва унинг иш ҳақини белгилаш.
11. Кузатув кенгаши таркибига ўзгартириш киритиш.
12. Жамият ҳудудида ижарага берилган жойлардан ундириладиган тўловларни тасдиқлаш.
13. Жамиятнинг 2005 йилги молиявий-хўжалик фаолиятидаги 1 млн. 200 минг сўмлик харажатларни 2005 йил якуни бўйича олинган соф фойда ҳисобидан қоплаш ҳақида.

Умумий мажлисда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри 2006 йил 28 февраль ҳолати билан ёпилади.

Жамият Кузатув Кенгаши

Миллат ва маънавият

МУСТАҚИЛЛИК, МАЪНАВИЯТ ВА ДЕМОКРАТИЯ

Маънавият — инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди.

Ислом КАРИМОВ

Инсоният ўзини онгли мавжудот эканини англаган пайтданоқ маънавий баркамоллик сари интила бошлаган. Бора-бора бу эҳтиёж ҳаётининг асосий мазмуни ва моҳиятига айланган.

Ўзбекистон дунё тамаддунининг энг қадимий ўчоқларидан бири ҳисобланади. Бундан 4-5 минг йиллар аввал яшаган бизнинг аждодларимиз бунёдкорлик, меҳнатсеварлик, мардлик, жасурлик, фидойилик каби маънавий фазилатларга эга бўлишган. Она-Ватанни ҳимоя қилишни муқаддас бурч деб билишган: **«Эй эр, ўзингни қаттиқ суйгил, элюртингни ўзингдан ва отаонангдан ва ўғил-қизингдан ортиқ суйгил!** (Оққоядаги қадимги битиклардан).

Ота-боболаримиз бутун инсониятнинг фахру ифтихорига айланган бойликлар яратишган. Жумладан, Авестодек буюк маданий-маънавий ёдгорлик айнан бизнинг заминимизда дунёга келган. Халқимизнинг тафаккур қудратини ўзида акс эттирган бу улуғ китоб Шарқ, Осиё, Ҳиндистон, Юнонистон ва бошқа минтақаларда яшовчи халқларнинг ҳаётига кучли таъсир кўрсатган.

Бундай тенгсиз асарлар, табиийки, ўз-ўзидан пайдо бўлмаган. Бундан уч минг йил аввал яратилган Авестонинг пайдо бўлишига ундан олдин камида яна уч минг йиллик ривожланиш босқичлари асос бўлган.

Ўзбекистон бежиз Ҳизр назари тушган юрт, дейилмайди. Жаннатмонанд Ватанимизни ҳар қадамда бетакрор тарихий обидалар безаб турибди. Асрлар мобайнида ял-ял ёниб турган мовий гумбазли мадрасалар, илоҳий нурга йўғрилган масжидлар, муҳташам карвонсаройларни фақат маънавияти буюк халқгина барпо эта олади. Самарқанд, Хива, Бухоро, Қарши, Марғилон каби шаҳарлар ҳам аждодларимиз буюклиги тимсолидир. Уларда халқимизнинг ўзига хос меъморчилик салоҳияти, шаҳарсозлик маданияти, маънавий қудрати ўз ифодасини топган.

Бу муқаддас заминда ўнлаб, юзлаб, балки минглаб биз билган ва билмаган даҳолар яшаб ўтган. Биргина Имом Бухорийнинг инсоният олдидаги хизматлари шу қадар чексизки, уни дунёвий меъзонлар билан ўлчаш мумкин эмас.

Турли ёвуз босқинчилар, қонхўр истилочилар мана шу маънавияти юксак халқ олдида ўзларини ожиз сезишган. Шунинг учун ҳам улар обод шаҳар ва қишлоқларимизни, мадраса-ю масжидларимизни, бебаҳо кутубхоналаримизни вайрон қилишга уринган, муқаддас китобларни ўтда ёққан. Халқимизнинг боқий маънавиятини маҳв этиш ғанимларимизнинг асосий мақсади бўлган.

Шундай қилиб, миллат маънавияти асрлар мобайнида ҳам ташқи, ҳам ички таҳдидларга дучор бўлган. Ички тажовузлар муайян шахсларнинг жоҳиллиги, калтабинлиги билан боғлиқ бўлган бўлса, ташқи таҳдидлардан кўзланган мақсад халқнинг маънавиятини заифлаштириб, уни қарам қилиш бўлган.

Ўзбек халқи мана шундай узулуксиз давом этган зуғумларга қарамай ўз маънавияти ва эътиқодини сақлаб қолди. Ҳаттоки, мисли кўрилмаган даҳрийлик — коммунистик ақидапарастликка асосланган барча халқларнинг бошига чексиз кулфатлар келтирган шўролар тузуми ҳам ватандошларимиз барпо этган маънавият қўрғонини буза олмади. Ваҳоланки, шу ёвуз мақсад йўлида минглаб масжид ва мадрасалар, маърифат масканлари вайрон этилди. Муқаддас қадамжолар оёқ ости қилинди. Даҳрийлик шу қадар авж олиб кетгандики, Имом Бухорий дафн қилинган муқаддас мажмуа заҳарли ўғитлар сақланадиган омборхонага айлантирилди.

Тарихий адолат нуқтаи назаридан шу нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, то XX асрнинг 90-йилларигача, яъни Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритмагунга қадар миллий маънавият ва маърифат масалалари ҳақида гапириш ҳам мумкин эмас эди. Биз учун бебаҳо қадриятларимизни тиклаш осон кечмади. Бу ҳаракат озодлигимиз учун олиб борилган кураш тарихи билан чамбарчас боғланиб кетган. Жумладан, ҳали тоталитар тузум даврида, яъни 1990 йилдаёқ Президент Ислом Каримов ҳаж сафарига бориш, Рамазон ва Қурбон ҳайитларини байрам қилиш, Наврўзни умумхалқ байрами сифатида нишонлаш ҳақидаги Фармонларга имзо чекканди. Бу тарихий ҳужжатлар халқимизнинг ўзлигини англашда, тарихий хотирамизни тиклашда муҳим аҳамият касб этди.

1989-90 йиллардан бошлаб Ўзбекистонда маънавият ва маърифат масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Мана шу эзгу қадам халқимизни катта фожиалардан сақлаб қолди. Бирлаштирди. Бугунги тинч ва осойишта ҳаётимизга асос бўлди. Агар ёдингизда бўлса, ўша олағовур даврда улкан бир мамлакат сиёсий ва иқтисодий бўҳрон гирдобига тортилиб, турли ҳудудларда қонли низолар юз берган эди. Чунки ўша кезларда жамиятни сохта обрў орттиришга интилган сиёсатдонларнинг қуруқ ваъдалари ва сароб шиорлари қамраб олганди.

Ҳамма нарсага олий ҳакам ҳисобланадиган вақт ўша оғир синовлар даврида Ўзбекистонда халқ маънавиятини тиклаш борасида қилинган ишлар нақадар тўғри бўлганини, **«жамият тараққиётининг асоси, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладиган ягона куч — маърифат»** эканини исботлади.

Худога минг қатла шукр, бугун дўконлар, бозорлар ноз-неъматларга тўла! Кўчаларимизда ўз юртимизда ишлаб чиқарилган енгил машиналар мисли дарё бўлиб оқмоқда. Шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси тубдан ўзгарди. Ваҳоланки, 15 йил тарих учун унчалик катта муддат эмас! Ҳеч бир мамлакатда бундай қисқа муддатда мингга яқин муҳташам коллеж ва лицейлар, юзлаб спорт мажмуалари, минглаб километр йўллар, маҳобатли кўприклар барпо этилмаган.

Бундай бунёдкорлик ишларини халқ маънавияти ва маърифатини юксалтирмай, салоҳиятини рўёбга чиқармай амалга ошириб бўлмайди, албатта. Иқтисодий-ижтимоий тараққиётимизнинг изчиллигини таъминлаш мақсадида 1994 йилда Президент Ислом Каримовнинг «Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Алишер Навоий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Имом Термизий, Аҳмад Фарғоний, Бурҳониддин Марғиноний каби ўнлаб буюк аждодларимиз ва Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Термиз каби қадимий шаҳарларимизнинг юбилейлари ўтказилди. Халқимиз озодлиги учун курашган, тоталитар тузум томонидан қатағон қилинган Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Мунавваркори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Усмон Носир каби аждодларимизнинг пок хотиралари тикланди, халқимиз олдидаги буюк хизматлари эътироф этилди. Улар шарафига Шаҳидлар хотираси ёдгорлик мажмуаси, Қатағон қурбонлари музейи барпо этилди. Кўплаб муқаддас қадамжолар қайта тикланди, обод зиёратгоҳларга айлантирилди.

Мустақиллик йилларида юзлаб ижодкор ва санъаткорлар давлат мукофотлари билан тақдирландилар. Уларнинг талайгина қисми ёшлар эканлиги қувонарли. «Ниҳол», Зулфия номидаги Давлат мукофотлари таъсис этилиши кўплаб истеъдодлар рўёбга чиқишига сабаб бўлди. Аслида эса бу — Мустақиллигимизнинг мўъжизаси. Бундай ютуқларга маънавиятимизга берилаётган эътибор туфайли эришдик.

1999 йилга келиб Ўзбекистондаги маънавий-маърифий ишлар янги босқичга кўтарилди. Бунга Президентимизнинг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармони асос бўлди.

Дарҳақиқат, собиқ шўролар империяси ҳудудида пайдо бўлган мустақил давлатларда маънавият ва маърифатни юксалтирмай, фидойилик, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик муҳитини яратмай иқтисодни ривожлантириш мумкин эмаслиги энди-энди тан олинмоқда ва улар бизнинг тажрибамизни ўрганишмоқда.

Халқимиз маънавиятини янада юксалтириш, ўзимиз танлаган йўлдан бориш, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш борасидаги эзгу ишларимиз ҳаммага бирдек ёқаётгани йўқ албатта. Баъзи ташқи кучлар айнан маънавиятимизни бузиб, унинг ўрнига бизга тамомила ёт бўлган ахлоқ ва турмуш тарзини жорий қилишга уринмоқда.

(Давоми бор.)

Қуддус АЪЗАМОВ,
республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари

БАҲОРГА БИР КУН ҚОЛДИ...

ТУРИН ҲАЯЖОНЛАРИ

26 ФЕВРАЛЬ КУНИ XX ҚИШКИ ОЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИНИНГ ТАНТАНАЛИ ЁПИЛИШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ

10 февраль куни Италиянинг Турин шаҳрида бошланган XX қишки Олимпия ўйинлари ўз ниҳоясига етди. Ўн етти кун давом этган ушбу нуфузли мусобақада дунёнинг саксон саккиз давлати вакиллари 82 комплект медаллар шодаси учун баҳс юритдилар. Спортнинг йигирма тури бўйича уюштирилган мусобақада ҳамюртларимиз Марина Аганина, Артём Князев (жуфтлик), Анастасия Гимазетдинова (якка-лик) муз устида нафис учиш, Қайрат Ерметов тоғ чанғиси баҳсларида ўз омадларини синаб кўришди.

Умумжамоа ҳисобида Германия вакиллари биринчи ўринни эгаллади. Улар ўн бир олтин, ўн икки кумуш ва олтита бронза медалларига сазовор бўлишди. АҚШ спортчилари жами 25 (9 тадан олтин ва кумуш, 7 та бронза) медаль билан иккинчи, Австрия (9 олтин, 7 тадан кумуш ва бронза), Россия (8 олтин, 6 кумуш ва 8 та бронза) терма жамоалари эса кейинги ўринларни банд этдилар.

Беш қитъа спортчиларини бирлаштирган ер куррасининг мазкур нуфузли мусобақасида жами йигирма олти мамлакат вакиллари ғолиб ва совриндорлар сафидан жой олди. Улар орасида Россиядан ташқари Эстония (3 олтин), Белорусия (битта кумуш), Украина (2 та бронза), Латвия (битта бронза) сингари МДҲ давлатлари бор. Шунингдек, XX қишки Олимпия ўйинларида жами 11 (6 олтин, 3 кумуш ва 2 та бронза) медалга сазовор бўлган Жанубий Корея спортчилари қитъамиз давлатлари терма жамоаларига карвонбошилик қилди. Бу борада Хитой (2 олтин, 4 кумуш ва 5 та бронза), Япония давлати вакиллари (битта олтин) кейинги натижаларни кўрсатди.

— Турин олимпиадаси ҳар жиҳатдан юксак савияда ўтказилди, — дейди Халқаро Олимпия қўмитаси президенти Жак Рогге. — Бунинг учун XX қишки Олимпия ўйинлари ташкилий қўмитасига алоҳида миннатдорчилик билдираман. Допинг-таҳлил натижалари мусобақалар ҳар қачонгидан-да ҳалол кечганлигини кўрсатди. 2004 йил Афинада ўтган ёзги Олимпия ўйинларида ғолиб ва совриндорлардан 26 нафари допинг истеъмол қилганлиги аниқланганди. Турин олимпиадасида эса бундай ҳолат бор-йўғи бир марта қайд этилди.

Олимпиада баҳсларидан олдин мусобақаларни ташкил этиш, янги спорт иншоотлари қуриш учун Италия ҳукумати 707 миллион евро миқдорида маблағ сарфлаган эди. Якунда эса меҳбонлар жами 974,7 миллион евро ишлаб олди. Энг катта фойда мусобақалар телетрансляциясини сотишдан келиб тушди — 470 миллион евро. Қолган қисми ҳомийлар (420 миллион евро), чипталар сотуви (69,4 миллион евро), лицензиялар (15 миллион евро) ҳисобига тўғри келди. Турин олимпиадасидан олинган жами соф даромад 268 миллион еврони ташкил этди.

XX қишки Олимпия ўйинлари даврида сотилган 900 мингта чиптанинг 30 мингтаси билан ишқибозлар спортчиларнинг фақат машғулотларини кузатганлиги баҳсларга қизиқиш нечоғли катта бўлганлигини кўрсатиб турибди. Мусобақалар чоғида Турин шаҳри ва Пьемонт вилоятига бир миллиондан ортиқ сайёҳ ташриф буюрди. Турин жамоат транспорти эса ўн етти кун мобайнида уч миллион кишига хизмат кўрсатди.

Ҳа, икки ҳафтадан ортиқ вақт мобайнида мухлисларга олам-олам ҳаяжон ва қувонч улашган XX қишки Олимпия ўйинлари ортда қолди. Унда қайд этилган натижалар, ўзига хос рекорд ва бетакрор лаҳзалар ҳали жуда кўп эсланади, ёдга олинади.

Эркин ХОЛБОБО

ҚАТТИҚ ҚАЙҒУРИШ ОҚИБАТИДА...

Италиянинг Турин шаҳрида якунланган Олимпия ўйинларида иштирок этган Россия Олимпия қўмитасининг биринчи вице-президенти Валерий Кузин қутилмаганда касалхонага ётқизилган. Бу ҳақда «Весь спорт» ахборот агентлигига Олимпия чемпиони Владимир Васин маълумот берган. «Валерий Кузиннинг аҳволи яхши эмас, — дейди Васин. — Бир ярим соат давом этган операциядан кейин унга сунъий нафас олдириш мосламаси ўрнатилган. Бўйни шишган, лекин ҳеч қандай аппарат орқали унинг аҳволини аниқ белгилаб бўлмаяпти. Қизиғи Кузиннинг қандай қилиб касалхонага тушиб қолганлигини ҳам ҳеч ким билмайди.

Италиялик шифокорлар Валерийни ҳозирча Россияга олиб кетамиз, деб уринтириб қўйиш ярамайди, деган фикрда. Айни пайтда беморнинг ёнида Россия Олимпия делегациясининг шифокорлари ҳам турибди. Нохуш воқеадан хабар топган Кузиннинг рафиқаси билан ўғли ҳам Туринга етиб келишди.

Эслатамиз, Россия Олимпия қўмитасининг биринчи вице-президенти Валерий Кузин Туриндаги касалхонага инсулт ташхиси билан келтирилган. Аён бўлишича, у Россия хоккейчиларининг учинчи ўрин учун курашда Чехия жамоасига имкониятни бой берганидан қаттиқ қайғурган.

БРАЗИЛИЯ ФУТБОЛЧИЛАРИ МОСКВАДА

Футбол бўйича Россия терма жамоаси қизиқарли учрашувга ҳозирлик кўрмоқда. Беш карра жаҳон чемпиони бўлган Бразилия футболчилари шу кунларда Москвада меҳмон бўлиб туришибди. 22 нафар Россия футболчиси эса тиббий кўрикдан ўтиб, жаҳон чемпионлари билан бўладиган учрашувга қизғин тайёрланмоқда. Мазкур учрашувга бағишланган тақдимот маросимида журналистлар учун очиқ эшиклар куни уюштириладиган бўлди.

Бугун Россия терма жамоаси «Локомотив» стадионида машқ ўтказади. Эртага эса Александр Бородюк ва Николай Латиш шогирдлари Бразилия футболчилари билан бўладиган учрашувда майдонга тушадилар. Қизиқарли бу ўйинга чипта топиш ҳам осон бўлмаяпти. Мухлислар стадион кассалари ҳамда ФТА (Россия футбол уюшмаси расмий агентлиги) қарорғоҳига чипта олиш учун югурмоқдалар. Ваҳоланки, чипталарнинг нархи 200 рублдан 1000 долларгача белгиланган. Эслатамиз, об-ҳавонинг кутилмаганда совиб кетиши билан учрашувни қолдириш эҳтимоли ҳам бор.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИ

ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объект номи:

«Фарғона вилояти, Қува тумани, Толмозор қишлоғидаги ҳарбий шаҳарча ҳудудида 300 ўринли ошхона қурилиши» (тўлиқ битказиш шарти билан)

Қурилиш муддати — 180 кун.

Манзил: ***Тошкент шаҳар, Университет кўчаси, 1-уй, телефон/факс: 169-01-03, 169-01-11.***

Умумий қурилиш ишлари марказлашган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ҳарбий қурилиш объектларида ишлаш учун махсус лицензияга эга бўлишлари, ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқга эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин: ***Фарғона шаҳри, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, телефон/факс: 224-18-71, 224-18-76***

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда офертларни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган вақтдан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

«АВИАСОЗЛАР ДЕҲҚОН БОЗОРИ» ОАЖ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Хабар тартиб рақами 09.

Умумий мажлис тури: навбатдан ташқари умумий мажлис

Ўтказилган вақти: 2006 йил 17 февраль

Ўтказилган манзили: «Авиасозлар деҳқон бозори» ОАЖнинг маъмурият биносида

Мажлисда қатнашганлар: 183513 овозга эга акциядорлар.

Кворум: *88,73%*

Умумий мажлис кун тартиби асосида овоз бериш натижалари

1. «Авиасозлар деҳқон бозори» ОАЖ низом жамғармасининг оширилишига «розилар» 105474 овоз (57,47%), «қаршилар» 78039 овоз (42,53%) бўлганлиги қабул қилинсин.

2. «Авиасозлар деҳқон бозори» ОАЖ низомига ўзгартириш киритиш: «розилар» 105474 овоз (57,47%), «қаршилар» 78039 овоз (42,53%) бўлганлиги қабул қилинсин.

2.1. Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунига ва жамият уставига мувофиқ низомга киритиладиган ўзгартиришлар мажлисда қатнашган акциядорларни 4/3 қисми розилик берганда тасдиқланиши сабабли, жамият низомига ўзгартириш киритилиши тасдиқланмаганлиги белгилансин.

3. Жамиятнинг 2005 йил фаолиятини текшириш учун тасдиқланган аудиторни ўзгартирилиши: «розилар» 74689 овоз (40,70%), «қаршилар» 105474 овоз (57,47%) ва «бетарафлар» 3350 овоз (1,83%) бўлганлиги қабул қилинсин ва тасдиқланган аудитор (Назар Аудит) ўзгартирилмасин.

Кузатув Кенгаши

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙҲҲББ раҳбарияти ва шахсий таркиби истеъдодаги полковник

Юсуф МАҚСУДХЎЖАЕВнинг

вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Farruh HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Norbobo SHAKAROV
Nomoz SA`DULLAYEV
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Ekologiya, salomatlik va odob-ahloq 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Alijon ABDURAHMONOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 450
14289 nusxada bosildi
1 — Тижорат материали

O`zA yakuni —
Topshirish vaqti — 1 2 3 4 5 6

Sotuvda erkin narxda